

Эй инсонлар! Душманга йўлиқишни орзу қилманглар

20:20 / 12.12.2017 2940

Абу Иброҳим Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душманга йўлиқадиган кунларининг бирида кутиб турдилар. Қуёш мойил бўлганида ўринларидан туриб: **«Эй инсонлар! Душманга йўлиқишни орзу қилманглар. Аллоҳ таолодан офиятни сўранглар. Агар уларга дуч келадиган бўлиб қолсанглар, сабр қилинглар. Билингларки, жаннат қиличлар сояси остидадир»**, дедилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагича дуо қилдилар: **«Эй Қуръон нозил қилувчи, эй булутларни юргизувчи, эй гуруҳларни мағлуб этувчи Аллоҳим! Уларни мағлуб қил. Ва уларнинг зарарига ҳамда бизнинг фойдамизга нусрат бер»**.

Муттафақун алайҳ. Аллоҳ тавфиқ берсин.